

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги
ПҚ-3698-сонли, 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3702 сонли Қарорларига мувофиқ
фан-таълим-ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича

ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

“15” 08 2018 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 8 майдаги ПҚ-3702 сонли “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти бош директори Р.М.Хайитов бир томондан ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) номидан институт ректори, профессор Ў.П.Умурзаков иккинчи томондан ушбу икки томонлама ўзаро инновацион ҳамкорлик шартномасини туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, соҳани жадал ривожлантириш ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги узвий алоқа тизимини такомиллаштириш бўйича уларнинг ўртасида ўзаро манфаатли инновацион ҳамкорликни ўрнатиш.

1.1. “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти тизимидаги ташкилот ва корхоналарнинг ўз ечимини кутаётган молиявий-иқтисодий, илмий-техник ва технологик муаммоларини ўрганиш ва уларни илмий асосланган ҳолда ҳал қилиш чораларини белгилаш;

1.2. ТИҚХММИнинг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил изланувчилари ва иқтидорли талабаларининг интеллектуал салоҳиятини “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти тизимидаги ташкилот ва корхоналаридаги реал муаммоларни ечишга сафарбар қилиш.

1.3. ТИҚХММИ профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил изланувчилари ва иқтидорли талабаларининг илмий-тадқиқот фаолиятлари натижасида яратилаётган ишланмаларини ишлаб чиқаришга ўз вақтида жорий этиш.

1.4. Ишлаб чиқариш корхоналари базасида талабаларнинг ўқув, малакавий ва битирув олди амалиётларини ташкиллаштириш, ўқув режалари ва фан дастурларига реал иқтисодиёт субъектлари талабларига мос равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўрнатилган тартибда таклифларни ишлаб чиқиш.

1.5. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, соҳа фанини жадал ривожлантириш ва институт ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги алоқа тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш;

1.6. Юқори малакали мутахассислар, жумладан илмий ва илмий-педагогик кадрлар ва магистрлар тайёрлашда ишлаб чиқариш ташкилотларининг моддий техник базаси ва салоҳиятидан фойдаланиш ҳамда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари, ишлаб чиқариш салоҳияти ва базасидан унумли фойдаланган ҳолда уларни ривожлантириш;

1.7. Бўш иш ўринлари ва истиқболда янги мутахассисларга бўладиган эҳтиёжлар ҳақидаги маълумотлар базасини шакллантириш, битирувчиларни малакавий битирув ишларини ва диссертацияларини бажаришларида ва ишга жойлаштиришда яқиндан ёрдам бериш.

2. Томонларнинг вазифалари ва мажбуриятлари

2.1. “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти:

- а) ТИҚХММИ билан фан – таълим – ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион ҳамкорликни ривожлантириш учун биргаликда инновацион гуруҳ ташкил этиш.
- б) “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти тизимидаги тизимидаги ташкилотларнинг ўз ечимини кутаётган молиявий-иқтисодий, илмий-техник ва технологик муаммолар тўғрисидаги маълумотларни инновацион гуруҳга тақдим этиш;
- в) инновацион гуруҳ таркибига тажрибали ва юқори малакали мутахассисларни киритиш ва уларнинг самарали ишлашлари учун зарурий шарт шароитларни яратиш;
- г) таълимда узвийлик ва узлуксизликни ҳисобга олган ҳолда давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштиришда, кафедра моддий техника ва ўқув лаборатория базасини ривожлантиришда иштирок этиш;
- д) акциядорлик жамиятининг етакчи мутахассислари томонидан институт профессор-ўқитувчилари ва талабаларига маърузалар ўқиш, бакалаврлар малакавий битирув ишлари ва магистрлар диссертацияларига акциядорлик жамиятидан илмий раҳбарлик қилиш;
- е) ўзаро ҳамкорликда услубий қўлланмалар яратиш, илмий – тадқиқот ишларини олиб боришни ташкил этиш ва илмий натижалардан ўқув жараёнида фойдаланишни таъминлаш. Инновацион гуруҳнинг самарали деб топилган илмий ишланмаларини корхоналарнинг ишлаб чиқариш амалиётларига татбиқ этиш;
- и) институт профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг қисқа муддатли амалиётларини ўтказиш ва малакасини ошириш мақсадида ўзининг моддий техника базасидан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- л) соҳа бўйича ишлаб чиқаришда мавжуд маълумотлар ва муаммолар банки билан ТИҚХММИ талабномаси бўйича мунтазам таъминлаб бориш ва илмий амалий ҳамкорликни амалга ошириш;
- м) тизимдаги беш йиллик эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда институтда тайёрланаётган битирувчилардан мавжуд квота бўйича кадрлар тайёрлашга буюртма бериш;
- н) талабаларнинг ўқув, малакавий ва битирув олди амалиётларини ўз базасида дастур талаблари даражасида ўтказилишини таъминлаш, талабаларга етакчи мутахассислардан раҳбарлар бириктириш, талабалар билан ташкил этиладиган учрашувларда қатнашиш.
- о) корхонадаги бўш вакант ўринларни малакали битирувчилар билан тўлдириб бориш, битирувчиларни ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш.
- п) фан–таълим–ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига ҳисса қўшаётган соҳанинг фидойи ходимларини рағбатлантириш;

2.2. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти:

- а) талабаларни юқори малакали кадрлар бўлиб етиштириларида уларнинг таҳсил олиши учун таълим муассаси Низомида кўзда тутилган барча зарурий шароитларни яратиш;
- б) кадрларни тасдиқланган ўқув режа ва дастурларига мувофиқ давлат таълим стандартлари талаблари даражасида хомий ташкилотлар тавсияларини эътиборга олган ҳолда тайёрлаш, мутахассисларни битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияларида иштирок этишларини таъминлаш;
- в) инновацион гуруҳ томонидан намунавий истиқболли илмий тадқиқот мавзулари рўйхатини шакллантириш ва уларни биргаликда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиб бориш;
- г) корхоналарнинг илмий – техник ва технологик муаммолари асосида битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари мавзулари банкни шакллантириш;
- д) талабаларга ўқув дастурларига қўшимча равишда “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятининг етук мутахассислари томонидан соҳада олиб борилаётган ислохотлар, мавжуд муаммолар, эришилаётган ютуқлар, илғор техника ва технологиялар ҳамда стратегик йўналишларга бағишлаб ўқиладиган маъруза ва давра сухбатларини ташкил этиш;

- е) соҳасига фидоий ва юқори сифат даражасида дарс бераётган ҳамда тадқиқотлар бажараётган профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли ҳамда жамоат ишларида фаол бўлган талабаларни рағбатлантириш;
- д) ТИҚХММИ талабаларининг акциядорлик жамияти тизимидаги амалиёт раҳбарлари ва битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари раҳбарини моддий рағбатлантириш;
- и) “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятининг тавсиясига кўра олий маълумотли ходимларни акциядорлик жамияти тизимидаги илмий текшириш институтлари, ташкилотларида хар уч йилда бир марта малака оширишларини ташкил этиш;
- к) “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятига талабаларни ўқув ва малакавий амалиётларни график асосида ўтишга юбориш. Битирувчилар талабаларни ишга йўллашнинг ўзаро манфаатли шакллари ишлаб чиқиш;
- л) “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятида мавжуд маълумотлар асосида битирув малакавий ишлар, магистрлик, докторлик диссертациялари мавзусини шакллантириш ҳамда ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ташкил этиш;
- м) “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятининг етакчи мутахассисларини ўқув жараёнига жалб этиш. ТИҚХММИда ўтадиган халқаро ва республика анжуманларига ва бажариладиган халқаро илмий лойиҳаларга “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятининг етакчи мутахассисларини таклиф қилиш;
- н) ТИҚХММИда тайёрланаётган янги дарслик, ўқув қўлланма ва компьютер дастурларида “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти ходимларини иштирок этишига шароит яратиш;

3. Қўшимча шартлар

3.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб, бири ТИҚХММИда ва иккинчиси “Ўзагросервис” акциядорлик жамиятида сақланади.

3.2. Шартнома томонларнинг бирини фаолияти тугатилганда ёки томонлардан бирининг сабаблари асослаб кўрсатилган ҳолда камида уч ой олдин ёзма равишда берган огоҳлантиришига асосан тўхтатилиши мумкин.

4. Шартноманинг амал қилиш муддати

4.1. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва беш йил муддатга амал қилади.

5. Томонларнинг юридик манзиллари

ТИҚХММИ: 100000, Тошкент ш.
 Қ.Ниёзий кўчаси, 39–уй.
 Тел.: +99871 237–46–68
 тел/факс: +99871 237–38–79
<http://www.tiame.uz>
 e-mail: admin@tiame.uz

“Ўзагросервис” АЖ: 100007,
 Тошкент ш., Шайхонтохур
 тумани, Абай кўчаси, 4А-уй.
 Тел.: + 99871 244-52-92
 + 99871 244-50-90
 тел/факс: +99871 244-55-04
<http://uzagroservis.uz>
 e-mail: uzagro@uzagroservis.uz

ТИҚХММИ ректори
 Ҳ. Умурзаков
 2018 йил



“Ўзагросервис” АЖ бош
 директори
 Р. Хайитов
 2018 йил

